ISSN: 2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ

ТАДҚИҚОТЛАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛИ

3-СОН

МАРТ, 2023

IMFAKTOR PAGES

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 3-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-3

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-3

ТОШКЕНТ – 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES
№ 3 (2023) DOI http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-3

Бош муҳаррир:
Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:
Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:
Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор
Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор
Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент
Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор
Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент
Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори
Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор
Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор
Идиров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор
Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент
Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент
Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор
Матибаев Т. – социология фанлари доктори, профессор
Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

Мазкур фанлараро илмий-амалий журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 22 декабрь куни **№ 054837**-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: https://imfaktor.uz, 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй.
Телефон номер: +99894-410 11 55, **E-mail:** tahririyat@imfaktor.uz
© IMFAKTOR Pages, 2023 йил.
© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ISSN: 2181-4031
www.imfaktor.uz

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

Иқтисодиёт фанлари

ҲАЙДАРОВ Ўрал Ахмадович
Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти
https://10.5281/zenodo.7765614

МАМЛАКАТИМИЗДА ИСЛОМ МОЛИЯ ИНСТРУМЕНТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мамлакатимизда ислом молияси инструментларидан фойдаланиш йўллари, ислом молияси тизимининг моҳияти, ривожланиш тарихи ҳамда республикамизда ислом молия инструментларидан фойдаланишни ривожлантириш, шунингдек, унинг афзалликлари таҳлили ва ривожлантириш истиқболларини такомиллаштириш ҳақида сўз боради. Шунингдек мақолада Ўзбекистонда ислом молияси инструментларидан фойдаланишни ривожлантиришдаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича муаллиф тавсиявий ёндашувлари ва таклифлари келтирилган.

Калит сўзлар: ислом молияси, молия инструментлари, мушорака, сукук, мудораба, молиялаштириш, ислом банклари, нобанк кредит ташкилотлари, микромолиялаштириш.

РАЗВИТИЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИСЛАМСКИХ ФИНАНСОВЫХ ИНСТРУМЕНТОВ В НАШЕЙ СТРАНЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье будет рассказано о способах использования инструментов исламского финансирования в нашей стране, сущности системы исламских финансов, истории становления и развития использования инструментов исламского финансирования в нашей республике, а также проведен анализ ее преимуществ и улучшения перспектив развития. В статье также представлены существующие проблемы в развитии использования инструментов исламского финансирования в Узбекистане, а также авторские рекомендательные подходы и предложения по их устранению.

Ключевые слова: исламские финансы, финансовые инструменты, мушорака, сукук, мудораба, финансирование, исламские банки, благородные кредитные организации, микрофинансирование.

DEVELOPMENT OF THE USE OF ISLAMIC FINANCIAL INSTRUMENTS IN OUR COUNTRY

ANNOTATION

This article will tell about the ways of using Islamic finance instruments in our country, the essence of the Islamic finance system, the history of the formation and development of the use of Islamic finance instruments in our republic, as well as an analysis of its advantages and improvement of development prospects. The article also presents the existing problems in the development of the use of Islamic finance tools in Uzbekistan, as well as the author's recommendation approaches and suggestions for their elimination.

Keywords: islamic finance, financial instruments, musharaka, sukuk, mudaraba, financing, Islamic banks, noble credit organizations, microfinance.

Бугунги кунда Марказий Осиё давлатлари ичида фақат бизда ва Туркманистондагина бирорта ислом банки йўқ! Нафақат ислом банки, балки ислом дарчаси ҳам йўқ. Ваҳоланки бир нечта тижорат банки сўнгги икки йилда бу йўналишда бир қатор ташкилий ишлар амалга оширилган, хусусан, Ислом тараққиёт банки гуруҳига кирувчи Хусусий Тармоқни Ривожлантириш Ислом Корпорацияси (ICD) билан ислом дарчалари очиш юзасидан шартномалар имзоланган, тегишли ходимлар ушбу дарчаларда ишлашга тайёрланган, ислом дарчаси фаолияти учун биринчи навбатда зарур бўлган дастурий таъминотлар ўрнатилган. Шунинг учун ислом банкчилигини ўрганиш глобал иқтисодиётда долзарб мавзу ҳисобланади. Анъанавий банк тизимига муқобил молиялаш шакллари мавжудлигини билиш қизиқарли ва фойдалидир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлис палаталарига йўллаган Мурожаатномасида “Мамлакатимизда Ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақт-соати етиб келди. Бу борада Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этилади”, деб таъкидлаб ўтдилар [1].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 апрелдаги “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида” ги ЎРҚ – 765 сонли Қонунининг қабул қилиниши мамлакатимизда ислом молия инструментларидан фойдаланиш тизимини ривожлантиришдаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Миллий иқтисодиётимизда ислом молия инструментларидан ва ислом молия институтлари хизмат турларини ўрганишдан кўзланган мақсад замонавий шароитларда молия сектори муаммоларини ҳал қилишда муқобил молиялаштириш йўлларини ривожлантириш бугунги кунда долзарб масалалардан ҳисобланади.

Бугунги кунда ислом молия инструментларидан фойдаланиш талабининг ўсиши ва баъзи мусулмон мамлакатлари томонидан муҳим молиявий ресурсларни тўплаш натижасида дунёда кенг тарқалмоқда. Шубҳасиз, бу борада дунё олимлари томонидан ислом молия инструментларидан фойдаланиш йўллари бўйича кўплаб илмий ишлар қилинган, китоблар ёзилган ва таърифлар берилган. Хусусан, иқтисодчи олим Б.Жўраевнинг фикрича: “Анъанавий банкдан фарқли равишда исломий банк тизими, аввало, диний омилларга, кейин фойда омилига таянган бўлади. Исломий банк хизматлар тақдим этиб ўз вазифаларини бажарар экан, ўз фаолияти натижасида фойда олишни кутади, олинган фойдани ўзининг ахлоқий ва ижтимоий мажбуриятларини бажариш учун йўналтиради. Мана шу мажбуриятларнинг ҳаётга татбиқ этилиши исломий банкнинг сиёсатига боғлиқ бўлади” деб таърифлайди [2].

Мусаев ва Магомедова эса глобализация шароитида Ислом молиявий институтларининг ривожланиш тенденцияларини характер хусусиятини ўрганган. Иқтисодчи олим Зарипов ўзларининг илмий мақолаларида бугунги кунда жаҳонда, ислом молияси барқарор даражада ривожланаётгани ва юқори ўсиш суръатларини кўрсатаётганини, ислом молиясида анъанавий молиядаги «пул баҳоси» тушунчасига ўрнига «капитал самарадорлиги» деб аталувчи янги атама жорий этилганлиги ҳақида сўз юритган. Шунингдек, Rafik Yunus al-Misri “Ислом молияси ислом иқтисодий таълимотидан келиб чиқадиган ўзига хос хусусиятларга эга. Асосий исломий молия хусусиятлари қуйидагиларни ўз ичига олади: активларга асосланган, молиялаштириладиган фаолиятга чекловлар ва капитал ҳамда тадбиркорликнинг узлуксизлиги ишлаб чиқариш омиллари сифатида” талқин этади [3].

Амалга оширилган ушбу илмий ишларда ислом молиясининг назарий асослари ҳамда ислом молия инструментларидан фойдаланиш йўллари тўлиқ ёритиб берилмаган. Умуман олганда бугунги кунда ислом молияси жаҳон ҳамжамияти учун бирмунча, миллий иқтисодиётимиз учун деярли янги бўлганлиги учун келгусида кўплаб изланишларни талаб этилади.

Тадқиқотда илмий абстракциялаш, гуруҳлаш, қиёслаш, ретроспектив ва истиқболли, эмпирик таҳлил ва бошқа услублардан фойдаланилди. Мақолада илмий абстракциялаш усули ёрдамида ислом молияси инструментларидан фойдаланиш йўллари назарий ташкилий ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг илмий ва амалий аҳамияти келтириб ўтилди.

Шунингдек, қиёсий таққослаш усулида жаҳон амалиётида ва тараққий этган мамлакатларда ислом молия инструментларидан фойдаланиш усулларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мамлакатимиздаги мавжуд асослар билан таққослаб тегишли хулосалар шакллантирилди [4].

Мамалакатимизда 2023 йил 10 январ куни, халқимиз анчадан бери кутган қувонарли ҳодиса юз берди – мамлакатимиздаги йирик хусусий банклардан бири бўлган Трастбанк ислом молияси тамойилларига мувофиқ фаолият олиб борувчи ўз шўъба молия муассасасини ишга туширди. Ушбу молия муассасаси Ислом тараққиёт банки гуруҳига кирувчи Хусусий Тармоқни Ривожлантириш Ислом Корпорациясининг маслаҳат ёрдамини жалб қилган ҳолда ташкил қилинди. Албатта, бу тўлақонли ислом дарчаси эмас, лекин анъанавий тижорат банки томонидан таъсис этилган мамлакатимиздаги биринчи ислом молия муассасасидир.

Ташкил этилган “Trast Muamalat” компанияси биринчи навбатда кичик ва ўрта бизнесни, дунё бўйича ислом молияси маҳсулот ва хизматлари ичида энг кўп қўлланиладиган муробаҳа ва ижара (ислом лизинги) молия маҳсулотлари орқали молиялаштириши кўзда тутилмоқда. Шунингдек, ушбу марказда аҳолига оддий банк амалиётлари қаторига кирувчи валюта айирбошлаш, тўловлар қилиш, пул ўтказиш каби хизматлар ҳам кўрсатилади. Жаҳонда ислом молия тизими фойда ва зарарни бўлишиш ҳамда реал активларга асосланган молиялаштиришни назарда тутади. Замонавий банк тизимидан фарқли равишда, унда фойда шерикчиликка асосланади. Яъни, банк мижоз талаби ҳамда молия маҳсулотлари турига қараб асбоб-ускуна, товар, хом-ашёлар олиб бериши ёки уларни ижарага бериши мумкин.

Ислом иқтисодиётининг моҳияти маънавий масъул бозор иқтисодиёти тизимини яратишдан иборат. Унинг ўзига хос жиҳатларидан бири шахснинг ва жамиятнинг маишатини эмас, балки ҳақиқий эҳтиёжларини қондиришдир. Ислом иқтисодиёти модели бойликларнинг жамият ичида адолатли тақсимланишига алоҳида эътибор қаратади, бусиз ижтимоий баркамоллик (уйғунлик) ва иқтисодий ўсишни таъминлаш мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Ислом иқтисодиётининг асосий қадриятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Ислом маънавий қадриятларига асосланган иқтисодий фаровонлик;

Тенг ҳуқуқлилик ва хавф-хатарларни тақсимлаш;

Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш ва диний бағрикенглик.

Ўзбекистонда «Ислом банк иши ва молияси» ташкилоти (AlHuda) фикрича, МДҲ мамлакатларида ислом молия саноатининг ўсиши бошқа давлатларга қараганда секинроқ, аммо бу минтақада имкониятларнинг ортиб бораётгани туфайли жаҳон халқаро банк саноатининг эътиборини тортмоқда. МДҲ давлатлари ҳукуматлари ушбу секторни ривожлантириш бўйича ташаббус кўрсатса, кейинги беш йил ичида ислом банки иши сезиларли даражада ўсади [5].

Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон МДҲда ислом банки ва молиясининг бу кенгайишида етакчилик қилувчи асосий ўйинчилар бўлиши мумкин, дейилади баёнотда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ислом молиясига қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистон – Марказий Осиёнинг 35 миллион ортиқ аҳолига эга муҳим давлати, аҳолисининг 93 фоиз қисми мусулмонлардир. У нафақат газ, нефть ва бошқа табиий ресурсларга бой, балки азалдан ҳам илм ва ислом динининг марказларидан бири бўлиб келган.

Дастлаб, 2003 ва 2004 йилларда Ўзбекистон ИТБ ва хусусий секторни ривожлантириш ислом корпорациясига (ICD) аъзолиги орқали ислом молиясини тан олиш йўлида муҳим қадамлар қўйди. Бу институтлар ва ҳукумат ўртасидаги барқарор алоқалар исломий молияга ушбу бозорга кириш нуқтасини қўлга киритиш имконини берди.

Ислом молияси – шариат тамойилларига зид бўлмаган молиявий бизнесни акс эттирувчи атама. Анъанавий молия, хусусан, одатдаги банк бизнеси, маблағларни жалб этиш ва аҳоли ҳамда тадбиркорларни молиялаштиришга таянади. Шунинг учун банкир билан мижозлар ўртасидаги муносабатлар ҳар доим қарздор-кредитор муносабатларидир.

Ислом банклари лойиҳаларни молиялаштиришдан фойда олишади. Омонатчилари фақатгина дивидендларга эътибор қаратган ҳолда, ўз маблағлари нималарга инвестиция қилинишини билмайдиган анъанавий банклардан фарқли равишда, Ислом банкларида омонатчи пул маблағларининг келгусидаги ҳаракатини кўриши мумкин, бунда маблағ бизнесга инвестиция қилинади ҳамда фойдаси банк ва омонатчи ўртасида бўлинади. Анъанавий ва ислом банклари фаолияти ўртасидаги фарқли жиҳатлари (1-жадвал)

1-жадвал

Анъанавий ва ислом банклари фаолиятининг фарқли жиҳатлари [6].

Анъанавий банк фаолияти	Ислом банки фаолияти
Пул айирбошлаш ва қийматни сақлаш воситасидан ташқари товардир. Шунинг учун уни номинал қийматидан юқори нархда сотиш ва ижарага бериш ҳам мумкин.	Пул товар эмас, лекин у айирбошлаш воситаси ва қийматни сақлаш воситаси сифатида ишлатилади. Шунинг учун уни номинал қийматидан юқори нархда сотиш ёки ижарага бериш мумкин эмас.
Вақт қиймати капиталга фоизларни ҳисоблаш учун асосдир.	Товар савдосидан ёки хизматлар кўрсатишдан олинадиган даромад фойда олиш учун асос бўлади.
Банк маблағларидан фойдаланган ҳолда ташкилот зарар кўрган тақдирда ҳам фоизлар ундирилади. Шунинг учун у фойда ва зарарни тақсимлашга асосланмаган.	Ислом банки фойда ва зарарни тақсимлаш асосида ишлайди. Агар тадбиркор зарар кўрган бўлса, банк бу йўқотишни қўлланилган молиялаштириш усулига қараб тақсимлайди (Мударабаҳ, Мушарака).
Нақд пул маблағларини бериш, молиялаштириш ёки айланма маблағларни молиялаштиришда товарлар ва хизматлар алмашинуви бўйича келишув тузилмайди.	Мурабаҳа, Салам ва Истисна шартномалари бўйича маблағларни тақсимлашда товарлар ва хизматлар алмашинуви бўйича шартномалар бажарилиши шарт.
Анъанавий банклар пулни инфляцияга олиб келадиган товар сифатида ишлатади.	Ислом банки савдо билан боғлиқ фаолиятдан фойдаланган ҳолда иқтисодий тизимнинг реал секторлари билан алоқа ўрнатишга интилади. Чунки пул реал активлар билан боғлиқ бўлгани учун у иқтисодий тараққиётга бевосита ҳисса қўшади.

Молиялаштиришнинг исломий моделларининг қоидаларидан бири – бу рискларни тақсимлашдир. Бизнесда фойда кўрилмаганда банк ҳам, мижоз ҳам даромад олмайди. Лекин агар фойда бўлса, у омонатчи ўртасида сармояга мутаносиб равишда тақсимланади. Ислом молиясининг асосий шартлари – унинг пул маблағларини мутаносиб ва адолатли тақсимлаш тарафдори эканидан далолат беради. Дунё глобаллашувининг вазифаси, бу – дунёни инсоният учун яхшироқ қилиш, жамиятларнинг барча қатламлари учун тинчлик, тараққиёт ва фаровонликнинг янги халқаро тартибини яратишдан иборатдир. Ислом молияси ушбу масалаларни ҳал қилиб бера олади.

Қуйидаги 2-жадвалда жаҳонда кенг тарқалган ислом молияси инструментлари ҳақида батафсил тўхталиб ўтамиз.

2-жадвал

Ислом молияси инструментлари турлари

Инструмент номи	Молиялаштиришнинг моҳияти ва мазмуни
Муробаҳа	бу томонлар ўртасида олди-сотди шартномаси устама ҳақ эвазига бўлишини англатади. Муробаҳа Ислом банклари томонидан амалга ошириладиган активларни молиялаштиришнинг энг кенг тарқалган усули ҳисобланади
Музораба	бу инвестор («Роббул мол») ва тадбиркор («Музориб») ўртасидаги фойдани тақсимлаш шартномаси. Музораба шартномасида инвестор фойдани келишилган нисбатда ёки фоизда тадбиркор билан тақсимлашга розилик беради.
Мушорака	бу шерикчиликнинг бир шакли. Буни одатдаги капитал бозоридаги акцияларни сотиб олишга ўхшатиш мумкин, аммо қилинган инвестициялар шариат тамойилларига мос келадиган акциялар ва молиявий қимматли қоғозлар ёки бошқа активлар билан чекланиши керак
Ижара	ўз номи билан, ижара ёки лизинг шартномасидир. Ижарага берилган мулк ҳуқуқи буюртмачига ўтказиш имконияти кўзда тутилган бўлса, ижара шартномаси «Ижара мунтаҳиа би тамлик» (мулкдорлик билан якунланувчи ижара) деб юритилади
Такофул	арабчада «кафала» сўзидан келиб чиққан бўлиб, кафолат бериш маъносини беради. Аниқроқ айтганда, бу «такафала» феълидан келиб чиқиб, ўзаро кафолат бериш ва бир-бирини ҳимоя қилиш маъносига эга. Шунинг учун, сўзма-сўз таржима қилинганда, бу ўзаро ёрдамни англатади
Салам	хомашё нархини дарҳол тўлаш, хомашёни эса келишилган кечиктирилган муддатда етказиб бериш учун сотиб олишни англатади. Салам шартномасида нарх тўлиқ ва олдиндан тўланади. Ушбу турдаги шартномалар хомашё нархи ўзгариши мумкин бўлган жойларда қўлланилиши мумкин
Истисна	бу сотиладиган объектни қуриш, ишлаб чиқариш ёки тиклаш учун белгиланган нарх бўйича, белгиланган муддат давомида, томонлар ўртасида белгиланган хусусиятларга эга объектни молиялаштириш шартномаси
Сукук	мулкчилик манфаатларини ифодаловчи тенг номиналдаги инвестиция сертификати. Сукукни сармоядорларга фойда келтирадиган ва анъанавий активлар билан таъминланган қимматли қоғозга ўхшаш Ислом молиялаштириш инструменти деб тасаввур қилса бўлади

Ислом микромолияси фоизсиз кредитлар (қарзи ҳасана) концепцияси ҳамда бизнес (ёки иқтидор) ва инвесторлар ўртасида маблағларни сафарбар қилиш ғоясига асосланади. Исломий микромолиялаштиришда вақф ва закотдан молиялаштириш манбалари сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Исломий микромолиялаштириш ижара, савдо (муробаҳа ва истисна) ва шериклик (мушорака ва мудораба) исломий шартномалар асосида ҳам амалга оширилиши мумкин. Хусусан, мудораба ва мушорака капиталга асосланган шартномалар бўлиб, унда томонлар келишилган нисбатга мувофиқ фойдани бўлишадилар. Бунда кам маблағ эгалари шериклик орқали ёки маблағи бўлмаса-да иқтидор эгалари сифатида бизнес бошқарувчи бўлиб ислом молияси афзалликларидан баҳраманд бўлиши мумкин.

Муробаҳага кўра, микромолиячилар активлар ёки асбоб-ускуналарни сотиб олиб, сўнгра активни микромолиявий қарз олувчига устама қўшиб сотадилар.

Микромолиялаштириш жамиятнинг қуйи даражасигача етиб борувчи ва уларга молиявий ёрдам кўрсатувчи молиявий инклюзивлик тизимининг бир қисмидир. Мамлакат иқтисодиёти барқарорлигини ҳамда инклюзив молия тизимини яратишда исломий банклар, такафул ислом суғуртаси, сукук қимматли қоғозлари ҳам муҳим ўрин тутади. Ислом молиясининг ривожланиши анъанавий молия бозорига соғлом рақобат муҳити яратади ва унга салбий таъсир кўрсатмайди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, аҳолиси асосан мусулмонлардан иборат бўлган ёки аҳолининг катта қисмини мусулмонлар ташкил қиладиган қатор давлатлар бор. Айни пайтда турли сабабларга кўра аҳоли томонидан, давлат даражасида ёки анъанавий банк ҳамжамияти доирасида ислом молиясига нисбатан нотўғри ёки нохолис фикр ва муносабат шаклланган. Бу эса соҳанинг жамиятдаги юқори бўлмаган аҳамияти, амалга татбиқ қилиниши, ривожланиши ва фойдаланиш даражаси пастлигининг асосий сабабларидан биридир.

Бунинг учун республикамизда инвестиция фаолиятини ислом молия инструментлари орқали молиялаштиришни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган қуйидаги омилларни бартараф этиш даркор:

1. Ўзбекистон ислом молиясини ривожланиши учун юқори потенциалга эга бўлиб, ҳаттоки Марказий Осиёда ислом молияси ҳаби бўлиши ҳам мумкин. Ислом молиясини жорий қилиш орқали у келтирадиган манфаатлардан баҳраманд бўлиш, нафақат мусулмонлар учун, балки миллати ва эътиқодидан қатъи назар барча миллат ва элатлар учун фойдали бўлишини бугунги кун жаҳон тажрибасидан кўриш мумкин.

2. Ислом микромолия муассасалари аҳамиятини ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари ва кичик бизнеснинг эҳтиёжлари ҳамда тўлов қобилиятига мос келувчи молия маҳсулотлари яратиш, ахборот-коммуникация технологиялари ва ижтимоий молиялаштириш усулларидан фойдаланиш кўплаб мамлакатларда кузатилаётган оммавий қашшоқликни енгиш ва аҳолининг катта қатламини молиявий-иқтисодий жараёнга жалб қилиш ва шу орқали, иқтисодий фаолликни жадаллаштириш ҳамда соғлом иқтисодий ўсиш учун зарур шароитлар яратишга қодир.

3. Ислом молиясини татбиқ қилиш, қисқа муддатларда мамлакат банк-молия муассасаларида янги молия маҳсулотларининг пайдо бўлишига, бу соҳадаги халқаро/хорижий тажрибани ўрганиш имкониятлари ошишига, банк-молия соҳасида хатарларни камайтириш имкониятлари ошишига, ва умуман соҳани жиддий ривожлантиришга имкон яратади. Буларнинг барчаси мамлакатга қўшимча инвестициялар жалб қилиш имконини беради.

ИҚТИБОСЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. https://president.uz/uz/lists/view/4057. 2020 йил 29 декабрь.

2. B. Jurayev. (tarj) “Islomiy moliya va bank tizimi”, “O’zbekiston” Toshkent 2019y. 138-bet.

3. Мусаев Р.А., Магомедова Ю.Д. Тенденции развития исламских финансовых институтов в условиях глобализации в журнале Проблемы теории и практики управления, издательство ООО «Международная Медиа Группа» (Москва), № 11

4. Зарипов И.А. (2016) Исламские финансы как стратегический ориентир развития России. / Zaripov I.A. (2016) Islamic finance as a strategic landmark for the development of Russia. https://cyberleninka.ru/.

5. Rafik Yunus al-Misri. Fikkh imushchestvennykh otnosheniy. / per. s arab. [Fiqh property relations. / translated from Arabic] / D.Adzhi; redsovet: B.F.Mulyukov and others, - Moskva: Islamskaya kn., 2014. – P. 320.

6. Иқтисодий адабиётларни ўрганиш асосида муаллиф томонидан мустақил тузилди

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 3-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-3

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-3

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «**IMFAKTOR Pages**» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz